

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

477 Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш, шунингдек айримларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида» 2012 йил 13 ноябрдаги ПФ-4483-сонли Фармонига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 1-иловага мувофиқ қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатлари 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2013 йил 28 август,
ПФ-4561-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2013 йил 28 августдаги
ПФ-4561-сонли Фармонига
1-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига киритиладиган қўшимча ва ўзгартишлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рақобатлантириш тўғрисида» 1995 йил 5 январдаги ПФ-1030-сонли Фармони 8-бандининг биринчи хатбошидаги «Давлат мулки қўмитаси» сўзлари «Давлат рақобат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузурида қимматли қоғозлар бозори ишлаштини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Марказини ташкил этиш тўғрисида» 1996 йил 26 мартдаги ПФ–1414-сонли Фармонида:

а) 1-бандининг биринчи хатбоши чиқариб ташлансин;

б) 1-бандининг иккинчи хатбошида, 2-бандининг биринчи хатбошида ва 3-бандининг иккинчи хатбошидаги «Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги қимматли қоғозлар бозори ишлаштини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш» сўзлари «Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 3-бандининг учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«қимматли қоғозлар бозори ишлаштини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Марказининг бошлиғи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тайинланади».

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзқишлоқхўжалик-таъминоттузатиш» Давлат-кооператив қўмитасини «Ўзағромашсервис» уюшмаси этиб ўзгартириш тўғрисида» 2000 йил 31 октябрдаги ПФ–2741-сонли Фармони 2-бандининг олтинчи хатбошидаги «Монополиядан чиқариш» сўзлари «Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 26 февралдаги ПФ–3214-сонли Фармонида:

а) 5-бандининг иккинчи хатбошида «Давлат мулки қўмитаси» сўзлари «Давлат рақобат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-илласида:

8-бандидаги «Монополиядан чиқариш» сўзлари «Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш» сўзлари билан алмаштирилсин;

12-бандида, 14-бандининг биринчи хатбошида, 18-бандида, 19-бандида ва 20-бандининг иккинчи хатбошидаги «Давлат мулки қўмитаси» ва «Давлат мулки қўмитасидан» сўзлари «Давлат рақобат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 9 декабрдаги ПФ–3358-сонли Фармонининг иловасида:

а) II бўлимнинг 1-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси»;

б) V бўлимнинг 1-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази».

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва коммунал хизмат кўрсатиш корхоналарини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 23 сентябрдаги ПФ–3662-сонли

Фармони 2-бандининг учинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш» сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодиётнинг стратегик тармоқлари корхоналарини хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2007 йил 20 июлдаги ПФ-3897-сонли Фармони 3-бандининг биринчи хатбошидаги «Давлат мулки қўмитаси» сўзлари «Давлат рақобат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 18 ноябрдаги ПФ-4053-сонли Фармонида:

а) 3-бандининг саккизинчи хатбошида «Монополиядан чиқариш» сўзлари «Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) иловадаги:

тўққизинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«А.А. Абдуҳақимов — Давлат рақобат қўмитаси раиси»;

ўн биринчи хатбоши чиқариб ташлансин;

ўн иккинчи — йигирманчи хатбошилар ўн биринчи — ўн тўққизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

ўн тўққизинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«А.Х. Ҳимматов — Давлат рақобат қўмитаси раисининг ўринбосари, комиссия котиби»;

қўйидаги мазмунда изоҳ билан тўлдирилсин:

«Изоҳ: Комиссия аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, ушбу лавозимга янги тайинланган шахс унинг таркибига киритилади».

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 18 июлдаги ПФ-4455-сонли Фармонида:

а) 1-илова 9-бандининг «Масъул ижрочилар» устунидаги «Давлат мулки қўмитаси» сўзлари «Давлат рақобат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-иловада 24, 26-бандларининг «Масъул ижрочилар» устунидаги «Монополиядан чиқариш давлат қўмитаси» ва «Давлат мулки қўмитаси» сўзлари «Давлат рақобат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коммунал хизматлар тарифларининг асоссиз равишда ўсиб кетишига йўл қўймаслик ҳамда улар учун ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиниши учун истеъмолчиларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 11 февралдаги ПҚ-5-сонли қарори иловасининг «Комиссия аъзолари» бўлимида:

а) саккизинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«А.А. Абдуҳақимов — Давлат рақобат қўмитаси раиси»;

б) тўққизинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

в) ўнинчи — ўн бешинчи хатбошилар тўққизинчи — ўн тўртинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Молия-иқтисодий, солиқ соҳасидаги жиноятларга, жинойий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 21 апрелдаги ПҚ–331-сонли қарорининг 9-бандида «Давлат мулки қўмитаси» сўзлари «Давлат рақобат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси фаолиятини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида» 2006 йил 26 апрелдаги ПҚ–335-сонли қарорида:

а) 4-бандида:

иккинчи, учинчи, бешинчи ва олтинчи хатбошилар чиқариб ташлансин; тўртинчи хатбошидаги «Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги қимматли қоғозлар бозори ишлашини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш» сўзлари «Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш» сўзлари билан алмаштирилсин»;

б) 6-иловининг номида «Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги қимматли қоғозлар бозори ишлашини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш» сўзлари «Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш» сўзлари билан алмаштирилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 16 майдаги ПҚ–350-сонли қарори 6-бандининг иккинчи хатбошидаги «Давлат мулки қўмитаси» сўзлари «Давлат рақобат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2006 йил 7 июлдаги ПҚ–404-сонли қарори 6-бандининг учинчи хатбошидаги «Давлат мулки қўмитаси» сўзлари «Давлат рақобат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Баъзи республика комиссиялари ва кенгашлари таркиблари ҳамда уларнинг фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» 2006 йил 21 июлдаги ПҚ–423-сонли қарорида:

а) 1-иловасида:

иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«А.А. Абдуҳақимов — Давлат рақобат қўмитаси раиси, комиссия раисининг ўринбосари»;

«Комиссия аъзолари» бўлимининг тўртинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«С.Х. Гафаров — Давлат рақобат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари»;

«Комиссия аъзолари» бўлимининг ўнинчи — ўн иккинчи хатбошилари қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«А.Х. Ҳимматов — Давлат рақобат қўмитаси раисининг ўринбосари
Б.А. Атаханов — Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва
ривожлантириш маркази бош директори

лавозими бўйича — Давлат рақобат қўмитасининг Хусусийлаштириш
бош бошқармаси бошлиғи, комиссия котиби»;

б) 2-иловада:

иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«А.А. Абдуҳақимов — Давлат рақобат қўмитаси раиси, комиссия раисининг ўринбосари»;

еттинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Б.А. Атаханов — Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва
ривожлантириш маркази бош директори»;

ўн еттинчи ва ўн саккизинчи хатбошилар қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«С.Х. Гафаров — Давлат рақобат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари

лавозими бўйича — Давлат рақобат қўмитасининг Хусусийлаштириш
бош бошқармаси бошлиғи, комиссия котиби»;

в) 4-иловада:

4-банднинг иккинчи ва олтинчи хатбошиларида, 8-бандда «Давлат мулки қўмитаси» сўзлари «Давлат рақобат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

11-банднинг биринчи хатбошидаги «Давлат мулки қўмитаси» сўзлари «Давлат рақобат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

12-банднинг иккинчи хатбошидаги «Давлат мулки қўмитаси» сўзлари «Давлат рақобат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

15, 18-бандларидаги «Давлат мулки қўмитаси» сўзлари «Давлат рақобат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат активларига эга айрим йирик акциядорлик компаниялари Кенгашларининг таркибларини тасдиқлаш тўғрисида» 2006 йил 24 июлдаги ПҚ-424-сонли қарорида:

а) «Ўзбекэнерго» ДАК» бўлимининг 2-банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. «С.Х. Гафаров — Давлат рақобат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари»;

б) «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК» бўлимининг 4-банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4. С.Х. Гафаров — Давлат рақобат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари»;

в) «Ўзавтойўл» ДАК» бўлимининг 4-банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4. С.Х. Гафаров — Давлат рақобат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари»;

г) «Ўзкимёсаноат» ДАК» бўлимининг 3-банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. «А.А. Абдуҳақимов — Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси раиси»;

д) «Ўзавтосаноат» АК» бўлимининг 3-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«3. С.Х. Гафаров — Давлат рақобат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари».

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компанияси Бошқарувчилар кенгашининг таркибини тасдиқлаш тўғрисида» 2006 йил 8 сентябрдаги ПҚ-461-сонли қарори иловасининг 8-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«8. «А.А. Абдуҳақимов — Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси раиси».

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 27 сентябрдаги ПҚ-475-сонли қарори 3-бандининг бешинчи хатбошида «Давлат мулки қўмитаси» сўзлари «Давлат рақобат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бухоротекс ОАЖни модернизация қилиш ва техникавий қайта жиҳозлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 18 февралдаги ПҚ-798-сонли қарори 3-бандининг биринчи хатбошидаги «Давлат мулки қўмитасига» ва «Монополиядан чиқариш давлат қўмитасига» сўзлари «Давлат рақобат қўмитасига» сўзлари билан алмаштирилсин.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Баҳоловчи ташкилотлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва кўрсатилаётган хизматлар сифати учун уларнинг масъулиятини ошириш тўғрисида» 2008 йил 24 апрелдаги ПҚ-843-сонли қарорининг иловасида:

а) 12-банди, 13-бандининг «б» кичик банди, 15-банди, 25-бандининг ўн бешинчи хатбоши, 27-бандининг олтинчи хатбоши ва 41-бандидаги «Давлат мулки қўмитаси билан», «Давлат мулк қўмитаси» ва «Давлат мулки қўмитаси» сўзлари «Давлат рақобат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 16-бандининг иккинчи хатбошида «Давлат мулки қўмитасининг махсус ҳисоб рақамига» сўзлари «Давлат рақобат қўмитасининг бюджетдан ташқари жамғармасига» сўзлари билан алмаштирилсин.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бухоротекс» очик акциядорлик жамиятини янада модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 20 майдаги ПҚ-870-сонли қарорида:

а) 3-бандидаги «Давлат мулки қўмитасига ва Давлат монополиядан чиқариш қўмитасига» сўзлари «Давлат рақобат қўмитасига» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 4-бандидаги «Давлат мулки қўмитаси» сўзлари «Давлат рақобат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хорижий инвестиция-

лар ва кредитларни жалб этиш ҳамда ўзлаштириш жараёнини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 24 июлдаги ПҚ–927-сонли қарорида:

а) 1-иловасида:

2-бандининг тўртинчи хатбоши, 4-банди «е» кичик бандининг биринчи хатбоши, 9-бандининг учинчи хатбошидаги ва 34-бандидаги «Давлат мулки қўмитаси», «Давлат мулк қўмитаси» ва «Давлат мулки қўмитаси билан» сўзлари «Давлат рақобат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

16-бандидаги «Давлат мулк қўмитаси, Давлат монополиядан чиқариш қўмитаси» сўзлари «Давлат рақобат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-иллованинг I, II ва III бўлимларида «Давлат мулки қўмитаси» сўзлари «Давлат рақобат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ижтимоий-иқтисодий тадқиқотлар марказини Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти этиб қайта ташкил қилиш тўғрисида» 2008 йил 30 июлдаги ПҚ–928-сонли қарори 8-бандининг учинчи хатбошида «Давлат мулки қўмитаси» сўзлари «Давлат рақобат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ижтимоий тадқиқотлар институтини ташкил этиш тўғрисида» 2008 йил 30 июлдаги ПҚ–930-сонли қарори 10-бандининг бешинчи хатбошида «Давлат мулки қўмитаси» сўзлари «Давлат рақобат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Саноат кооперацияси асоида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2009 йил 1 декабрдаги ПҚ–1236-сонли қарорининг 1-иловасида:

а) 1 ва 3-бандларидаги «монополиядан чиқариш» сўзлари «хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-бандининг тўртинчи хатбошидаги «Давлат монополиядан чиқариш қўмитаси» сўзлари «Давлат рақобат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 7-бандида:

«в» кичик бандининг иккинчи ва еттинчи хатбошиларида, «г» кичик бандининг биринчи хатбошида «Давлат монополиядан чиқариш қўмитаси» ва «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари «Давлат рақобат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

«г» кичик банди қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«мавжуд бўш ётган ишлаб чиқариш қувватлари, бинолар ва иншоотлар, шу жумладан бепул харид қиймати бўйича аниқ инвестиция мажбуриятлари эвазига таклиф этилаётган қувватлар, бинолар ва иншоотлар маҳаллийлаштириладиган ишлаб чиқаришларни ўзлаштиришни ташкиллаштириш учун улар тўғрисида Иқтисодиёт вазирлигига ҳар чоракда ахборот бериб бориш»;

«е» кичик банди чиқариб ташлансин;

г) 12-бандининг «в» кичик бандида «Ўзбекистон Республикаси Монопо-

лиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари «Давлат рақобат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

26. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2010 йил 2 мартдаги ПҚ–1293-сонли қарорининг 5-бандида:

а) еттинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан ҳамкорликни таъминлаш»;

б) саккизинчи хатбошида «монополиядан чиқариш» сўзлари «хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш» сўзлари билан алмаштирилсин.

27. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2010 йил 19 апрелдаги ПҚ–1325-сонли қарори 5-бандининг учинчи хатбошида «монополиядан чиқариш» сўзлари «хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш» сўзлари билан алмаштирилсин.

28. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида» 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ–1438-сонли қарори 1-илоvasи III бўлими 11-бандининг «масъул ижрочилар» устундаги, 2-илоvasи VI бўлими 51-бандининг ва VIII бўлими 63-бандининг «масъул ижрочилар» устундаги «Давлат мулки қўмитаси» сўзлари «Давлат рақобат қўмитаси» сўзларига алмаштирилсин.

29. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида» 2011 йил 1 августдаги ПҚ–1591-сонли қарорининг 2-бандида «монополиядан чиқариш» сўзларини «хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш» сўзлари билан алмаштирилсин.

30. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2011 йил 25 августдаги ПҚ–1604-сонли қарори 2-бандининг учинчи хатбошидаги «Давлат мулки қўмитаси» сўзлари «Давлат рақобат қўмитаси» сўзларига алмаштирилсин.

31. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасини қисман ўзгартириш тўғрисида» 2011 йил 24 октябрдаги ПҚ–1630-сонли қарори 2-илоvasи «Мутасаддилик қилинадиган вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва ҳудудлар» бўлимининг 6-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«6. Давлат рақобат қўмитаси».

32. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фонд бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 19 мартдаги ПҚ–1727-сонли қарори 4-бандининг иккинчи ва учинчи хатбошиларидаги «Давлат мулк қўмитаси» сўзлари «Давлат рақобат қўмитаси» сўзларига алмаштирилсин.

33. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2012-2013 йилларда давлат мулкни хусусийлаштириш Дастури тўғрисида» 2012 йил 25 апрелдаги ПҚ-1743-сонли қарорининг 4 ва 5-бандларидаги «Давлат мулк қўмитаси» сўзлари «Давлат рақобат қўмитаси» сўзларига алмаштирилсин.

34. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида иқтисодий ҳамкорлик қилиш бўйича ҳукуматлараро комиссияси Ўзбекистон қисмининг янги таркибини тасдиқлаш тўғрисида» 2012 йил 12 сентябрдаги ПҚ-1817-сонли қарори иловасининг саккизинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«А.А. Абдуҳақимов — Давлат рақобат қўмитаси раиси».

35. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати идоралари ахборот-коммуникация тизими фаолияти самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 30 октябрдаги ПҚ-1843-сонли қарорининг 2-илоvasида:

а) 4-бандидаги «Давлат мулк қўмитасига» сўзлари «Давлат рақобат қўмитаси» сўзларига алмаштирилсин;

б) 9-бандидаги «Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги қимматли қоғозлар бозори ишлашини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш» сўзлари «Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш» сўзлари билан алмаштирилсин.

36. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида» 2008 йил 19 ноябрдаги Р-4010-сонли фармойиши 1-илоvasи 2-бандининг учинчи хатбошидаги ва 2-илоvasининг 4-бандидаги «монополиядан чиқариш» сўзлари «хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш» сўзлари билан алмаштирилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2013 йил 28 августдаги
ПФ-4561-сон Фармонида
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз кучини йўқотган деб ҳисобланадиган айрим ҳужжатлари РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 9 декабрдаги ПФ-3358-сонли Фармони иловаси II бўлимининг 3-банди.

2. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 24 октябрдаги ПФ-4045-сонли Фармони иловасининг 4-банди.

3. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғри-

сида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 28 апрелдаги ПФ-4215-сонли Фармони 1-иловасининг 3-банди ва 2-иловасининг 26-банди.

4. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 23 майдаги ПФ-4442-сонли Фармони.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 26 апрелдаги ПҚ-335-сонли қарорининг 2, 3, 4, 5, 5а, 7-иловалари.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат активлари бўлган айрим йирик акциядорлик компаниялари кенгашлари таркибларини тасдиқлаш тўғрисида» 2006 йил 24 июлдаги ПҚ-424-сонли қарори 1-иловасининг «Ўзбекэнерго» ДАК» бўлими 6-банди, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК» бўлими 8-банди ва «Ўзкимёсаноат» ДАК» бўлими 4-банди.

7. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 23 сентябрдаги ПҚ-962-сонли қарори иловасининг 2-банди.

8. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 11 январдаги ПҚ-1259-сонли қарори иловасининг 3-банди.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2010 йил 2 мартдаги ПҚ-1293-сонли қарорининг 1, 2, 3, 4, 7-бандлари ҳамда унинг 1, 2, 3, 3а-иловалари.

10. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 20 майдаги ПҚ-1340-сонли қарори иловасининг 2-банди.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат бошқарув органлари ҳайъатлари фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида» 2010 йил 21 майдаги ПҚ-1342-сонли қарори иловасининг 2-банди.

12. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 3 майдаги ПҚ-1525-сонли қарори.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи тузилмасини қисман ўзгартириш тўғрисида» 2011 йил 24 октябрдаги ПҚ-1630-сонли қарорининг 2-иловасидаги «Мутасаддилик қилинадиган вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва ҳудудлар» бўлимининг 9-банди.